



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 172 (12.985)

Баҳоси эркин нарҳда

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



24
ЎЗБЕКИСТОН



ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Айни кунларда шаҳримиз туманларида Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги байрамини муносиб кутиб олиш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Шу жумладан, Яккасарой тумани аҳолиси ҳам қўлтуғ айёмни ҳар бир соҳада ўзига хос ютуқлар билан кутиб олиш мақсадида ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларига жадал қиришган. Қувонарлиси, туман йил сайин обод ва кўркем бўлиб, ўзгача қиёфа касб этмоқда.

Туман 1936 йилда ташкил топган бўлиб 1992 йилдан Яккасарой тумани деб аталади. Шаҳримизнинг марказий ҳудудларидан бири ҳисобланади. Чилонзор, Сергели, Миробод ва Юнусобод туманлари билан чегарадош. Тумандаги 16 та умумий таълим, битта ёрдамчи, 2 та мусиқа мактаби, 22 та мактабгача таълим муассасаси, 5 та касб-хунар коллежи, 4 та академик лицей, 3 та олий таълим муассасалари (Низомий номидаги Тошкент Дав-

лат педагогика университети, Тошкент Тўқимачилик ва енгил sanoat институти, Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби) буюк келажакимиз бунёдкорлари ҳисобланмиш ёшларнинг камолоти йўлида хизмат қилмоқда. Туманда 14 та шиоҳона, 4 та поликлиника, 1 та туғруқхона, 5 та диспансер фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари

(Яккасарой туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 3-саҳифасида танишасиз)

аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун биттадан кинотеатр, маданият ва истироҳат боғлари мавжуд.

Тумандаги 18 та маҳаллада турли миллат вакиллари аҳил ва ҳамжиҳат истиқомат қилади. Маҳалла ва корхона-ташкilotларда мамлакатимиз Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остидаги маънавий-маърифий тадбирлар ҳам кўтаринки кайфиятда ўтказилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Яккасарой туманининг ободлиги, раванак, аҳоли турмуш даражасини кўтариш бора-бора амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самарасини бермоқда.

Истиқлолимизнинг 24 йиллигини нишонлашга қизгин ҳозирлик кўрилаяётган шу кунларда Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлининг залворли ютуқларини, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини ёрқин ҳаётий мисоллар асосида кенг тараннум этиш муҳим аҳамиятга эга.

ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Анъанавий ўтказиб келинаяётган "Энг улуг, энг азиз" танлови истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар самараларини кенг тарғиб этиш, уларнинг моҳиятини ҳаётий мисоллар билан очиб бериш, фаол ижодкорларни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ танлов "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган мазкур кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросимида сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт ва санъат намояндалари, маънавий тарғибчилари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини бош директори О.Юнусов, Олий Махлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Г.Алимова, Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторингини қилиш мустақил институти директори Ф.Абдукаримов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, Бадий академия раиси А.Нуриддинов, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайиди ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, ўз қобилияти ва иқтидорини тўла намоён этиши учун барча имконият яратилганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Оммавий ахборот воситалари соҳасида қабул қилинган ўнга яқин қонун соҳа вакилларининг самарали фаолият юритиши ва ахборот олишнинг таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ижодкорлар бу эътиборга муносиб бўлишга интиломоқда. Бугунги маънавий-маърифий ислохотларда қордош-

ларимиз қалбига етиб борувчи, уларнинг тафаккурини юксалтирувчи, ижтимоий фаоллигини оширувчи юксак бадий асарлари билан фаол иштирок этаётир.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбекино" миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган кўрик-танловга тақдим этилган ижодий ишларда бу ўз ифодасини топади.

Танловнинг мамлакат босқичига адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фотография, дизайн, кино санъати йўналишлари бўйича 376 ижодкордан 4880 га яқин иш қабул қилинди. Тақдим этилган асарларни баҳолашда уларда истиқлолнинг маъно-мазмуни, тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий экани, ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида эришилган ютуқ ва марраларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга ҳаётий, таъсирчан, содда ва самимий, ўзига хос ижодий ёндашув асосида очиб берилганига эътибор қаратилди.

— Мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқ ва марралар Ватанимиз тараққиёти, одамларимизнинг онгу тафаккури, кайфияти, руҳидаги ижобий ўзгаришларда ўз ифодасини топтомоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига танлов ғолиби, ёзувчи Алишер Ибодинов. — Айниқса, ёшларимизнинг дунёқараши тобора ўзгариб, фуқаролик фаоллиги, мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғуси ошиб бормоқда. Буларни тараннум этиш, обод ва фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсадни ҳар бир юртодошимизнинг онгида, маънавий оламида чуқур қарор топтириш ижодкорларнинг фуқаролик бурчидир.

Ғолиб ва совриндорларга махсус диплом ва қimmatбаҳо совғалар топширилди.

Дилшод КАРИМОВ



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши томонидан "Кексаларни эъзозлаш — муқаддас бурчимиздир" шиори остида ижтимоий акция ўтказилди. Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдида сиёсий партиялар, турли жамоат ташкилотлари томонидан бундай маданий-маърифий тадбирлар вилоятнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтмоқда.

● Гиждувон туманининг "Фришкент" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги политехника касб-хунар коллежида таниқли адиблар, санъаткорлар ва ёшлар иштирокида мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган маданий-маърифий тадбирда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритилди.

● Андижонда фуқаролар йиғинларининг ҳудудий профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Андижон вилояти ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг қошида тузилган жамоатчилик комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяtgани таъкидланди.

● Бухорода "Нима қилдик Ватан учун ёхуд биз, ёшлар гиёҳвандлик ва терроризмга қаршимиз!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Токионинг Ханэда халқаро аэропорти атрофида жойлашган Nippon Steel&Sumikin Pipe Co.Ltd компаниясининг қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводида кучли ёнғин чиқиб, ўт Япониядаги энг йирик косметика ва маиший кимё маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналардан бири Као Corporation заводида ҳам ўтди. Ҳозирда ёнғинни жиловлash ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Ўтган ҳафтада бир нечта кучли портлашлар рўй берган Хитойнинг Тяньцзинь шаҳрида яна тўртта янги ёнғин ўчоғи аниқланди. Ҳозирда бу ерда кутқарувчилар ишламоқда. Бу ердаги портлашларнинг сабаби ҳали ҳам аниқлангани йўқ.

● Жорий йилнинг июль ойи метеокүзатувлар бошланганидан сўнг энг иссиғи ҳисобланиб, ўртача ҳарорат 16,6 даража илиқни ташкил этди. Бу 1998 йилда қайд этилган рекорд кўрсаткичдан озгина юқоридир. АҚШнинг океанлар ва атмосфера тадқиқотлари миллий бошқармаси мутахассисларининг таъкидлашича, фақат июль ойи эмас, балки 2015 йилнинг ўзи энг иссиқ келган йил бўлди.

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида демократик ҳукуқий давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори тобора юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу жараёнда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият асослари янада мустаҳкамланди. Замонавий демократик талабларга жавоб бера оладиган суд тизими шаклланди.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари ва унинг самараларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директори Н.Жўраев, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Х.Ёдгоров ва бошқалар истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мураккаб янги концепцияси амалиётга жорий этилганини таъкидлади. Судлар фаолияти такомиллашиб, жиноят процес-

сида шахс ҳуқуқларини кафолатлашнинг мустаҳкам асослари яратилди. Шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди.

Жиноий жазолар тизимини либераллаштиришга доир чора-тадбирлар натижасида жиноятлар тарқибининг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилгани катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Ярашув институти жорий этилгани ишларни тезкор ва самарали ҳал қилишга йўл очиб, жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишига замин яратди.

Мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилингани, қамқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга берилгани инсон ҳуқуқ ва манфаатларини юксак даражада таъминлашга хизмат қилаётир. Шахсни лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасасга жойлаштиришдек процессуал махбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқи ҳам прокуратурадан судларга ўтказилгани бунинг мантикий давоми бўлди.

Прокурор ва адвокатнинг суд жараёнида тенглиги таъминли қонун асосида мустаҳкамланди. Жиноят процессуал қонунчилигига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси киритилди.

Кассация инстанцияси ислоҳ қилинди, ишларни қайта қўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилди. Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни яхшилаш, судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар, хусусан судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга таъсия этишнинг изчил механизми яратилди.

Соҳадаги босқичма-босқич ислохотлар самарасида 2014 йилда озодликдан маҳрум қилинган шахслар 2000 йилга нисбатан икки баробар камайди. Фуқароларнинг судларга ишончи ортиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Буни судларга мурожаатлар ортиб бораётганида кузатиш мумкин. 2013 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 173 мингдан зиёд иш қўрилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 217 мингдан ошган.

Соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаяtgани ишларни қўриб чиқиш тезлиги ва сифати ортишига олиб келмоқда. Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

Биз... энг оғир, энг қийин, леким келажак бор йўлни танладик. Инвестицияларни, авваломбор, иқтисодийтимизни тубдан ўзгартиришга, юқори технологияларга асосланган янги замонавий саноат корхоналарини барпо этишга йўналтирдик. Ва бугун ана шундай узққни кўзлаган ишларимиз қандай юксак самара бераётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида таъкидланганидек, яқин ўтмишда қолоқ аграр республика бўлган, иқтисодиётининг асосини пахтачилик ва пахта қайта ишлаш корхоналари ташкил этган мамлакатимиз бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 25 фоизга етган, экспорт-бюджет ва рақобатбардор маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиги юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётган, куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айланди.

Рақамлар тили билан ифодалаганда, ҳар қандай масаланинг кўлами киши кўз олдига янада теранроқ ва яққолроқ намоён бўлади.

Маълумотларнинг кўламини тўлиқ тасаввур қилиш учун бир пайтлар Ўзбекистон саноатининг янги ички маҳсулотдаги улуши ҳаммаси бўлиб 14 фоизини ташкил этганини эсга олишимиз керак. Ана шунда тарихан қисқа даврда мамлакатимиз саноати жадал суръатлар билан ва барқарор ўсишга эришгани моҳиятига тевароқ етмиз.

Мамлакат тараққиётига эришиш учун биринчи навбатда саноатни раванқ топтириш керак. Саноатнинг қишлоқ ҳўжалигига нисбатан бир неча қарра самарадорлиги – бутун дунёда исботланган ҳақиқат. Ўзбекистон раҳбарининг бу борадаги аввалбошдан белгилаб берган йўли аниқ эди: "...Иқтисодиётда бирёқлама сибсат олиб бориш, дейлик, фақат қишлоқ ҳўжалигига боғланиб қолиш – хавфли ҳолат". Саноатни изчил ривожлантириш эса ана шу хавфнинг олдини олади, албатта.

Шунинг учун ҳам ўз мустақиллигига эришганидан кейин Ўзбекистонимиз олдида ана шу аграр мамлакатни индустриал давлатга айлантириш масаласи кўндаланг бўлиб турарди. Бу иқтисодий ислохотларнинг туб йўналишини белгилаб берар эди. Чунки саноати ривожланмаган мамлакатлар бозорини импорт маҳсулотлар эгаллаб олади. Импорт товарлар эса ҳаммиса қимматга тушади.

Мамлакатда саноатни ривожлантириш учун корхоналари хусусийлаштириш, шу тариха ишлаб чиқаришда манфаатдорлигини ошириш, технологияларни янгилаш, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш, янги-янги корхоналар ташкил этиш, бунинг учун хорижий инвестицияларни шунга йўналтириш ва бошқа кўп-кўп йўналишларда катта ишлар қилиш зарур эди.

Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурий "амалга" ошириш – ҳозирги босқичда энг устувор вазифаларимиз қаторида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ушбу стратегияни янада ривожлантириш мақсадида 2015 – 2019 йилларга мўлжалланган янги Маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд 600 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Буларнинг бари – амалда халқ фаровонлиги учун. Тарихан қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсди, аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар ошди. Бунга эришиш учун ўтган давр мобайнида иқтисодиётимизга 190 миллиард доллар ҳажмидаги инвестициялар, жумладан, 65 миллиард доллардан ортиқ хорижий сармояларни жалб этиш ҳисобидан биз учун мутлақо янги бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ қимёси, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларга асос солинди.

Мамлакатда саноатни ривожлантириш қишлоқ ҳўжалигига эътиборини қаматириш деган маънони аниқлаб берди, албатта. Бизда истиқлол йилларида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар қийиш этилиб, фермерлик ҳаракати ривожини кенг йўл очиб берилди, бугунги кунда фермер ҳўжаликлари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини ишлаб чиқараётганидан ташқари, қишлоқ тараққиёти учун масъулиятни ҳам ўз зиммасига олган қудратли ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланиб борапти.

1990 йили мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат товарлари, аввало, дон, картошка, гўшт, сўт ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқариляпти. Мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сўт ва сўт маҳсулотлари – 1,6 қарра, картошка – 1,7 қарра, сабзавот – 2 баробардан ортиқ, мева – қарийб 4 қарра қўлайди ва шу тариха бу борадаги ислохотларнинг амалий тасдиғи сифатида эл-юртимиз фаровонлиги тобора ортиб борапти.

Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътифдор этиляпти. Хусусан, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўрини эгаллади. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АКШнинг Колумбия университетини томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган "Бутунжаҳон бахт индекси"да Ватанимиз 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни олди. Буларнинг бари юртимизнинг барқарор тараққиёт суръатлари таъминланаётганини кўрсатади.

Саноатни фақат бир-икки ердагина ривожлантириш билан асл мақсадга етиб бўлмайди. Бизда саноат амалда мамлакатимизнинг барча минтақаларида раванқ толиб борапти.

Қорақалпоғистон Республикасидаги Сурғил кони неғизида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари иштирокида қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган замонавий Устюрт газ-қимё мажмуасини барпо этиш лойиҳаси 2012 йилда жаҳонда чет эллик шериклар билан ҳамкорликда нефть-газ соҳасида амалга оширилаётган энг яқин лойиҳа деб тан олинди.

Ушбу корхонада йилга 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газ қайта ишланиб, 3 миллиард 700 миллион куб метр газ олиниши, 390 минг тонна полиэтилен, 80 минг тоннадан зиёд полипропилен, 100 минг тоннадан ортиқ пироллиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини назарда тутиадиган бўлсак, унинг эл-юртимиз ҳаётида қандай катта аҳамиятга эга экани яққол аён бўлади.

2006 йили ишга туширилган Кўнғирот сода заводи эса бу гигант саноат марказларининг бири бўлди. Оролининг қурилиш оқибатида жуда катта майдонларни туз қоплади. Олимлар ўрганса, бу тузаларда ойна, яъни шиша ишлаб чиқаришда керак бўладиган сода учун зарур таркиб бор экан. Захираси 100 йилга етар экан. Қўвасойдаги ойна заводи сода хомашёсини четдан олиб келар эди. Энди эса бундай ноёб сода ҳам ўзимизда етлапти, ҳам уни четга экспорт қилаймиз.

Қорақалпоқ дёбирида келгуси беш йилда фақат саноат соҳасининг ўзига яна 500 га яқин йирик лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида ўн мингга яқин одамни иш билан таъминлаш имкони пайдо бўлади.

Энергетика саноати ҳақида гапирадиган бўлсак, Тахиятош иссиқлик электр станциясида 742 миллион доллар ҳажмидаги иккита бу-газ қурилмасини ўрнатиш бўйича ишлар бошланганини қайд этиш лозим.

Қорақалпоғистонда енгил саноат тармоғи раванқ натижасида пахта толасини қайта ишлаш ҳажми қарийб 10 баробар кўпайтирилди.

Ҳозирги кунда бу ҳудудга йўналтирилаётган катта-катта маблағлар, инвестициялар, табиийки, минтақада яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга, одамларнинг руҳини кўтаришга хизмат қилмоқда.

Андижон вилоятида кейинги етти йилда саноат соҳасини модернизация қилиш ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўртача уч марта ошди.

Асакадаги 1996 йили ишга туширилган ҳозирги "Женерал моторс" – Ўзбекистон" автомобил заводи, Президентимиз таъбири билан айтганда, "Ўзбекистон саноатининг нанки локомотивларидан бири, аини вақтда фаҳри, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди".

КИМ ЭДИГ-У, КИМ БЎЛДИК: ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ САНОАТ ТАРАҚҚИЁТИ

Бу корхонада ҳозиргача 2 миллион 400 минг автомобил ишлаб чиқарилди. Йилга 250 минг енгил машина тайёрланмоқда. Жами 8 турдаги машина ишлаб чиқариляпти.

Бу вилоятда, шунингдек, "Андижон кабель", "Ўз авто аустем", "Қўрғон текс" каби йирик корхоналар фақатгина вилоят эмас, мамлакат иқтисодиётининг ҳам таянч устунлари ҳисобланади.

Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи 1997 йили ишга туширилган. Корхонада 3 минг 600 нафардан зиёд юқори малакали ишчи ва муҳандис меҳнат қилади. Йилга 2 миллион 500 минг тонна хомашё қайта ишланиб, катта ҳажмдаги ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари тайёрланмоқда. 2019 – 2021 йилларда энг катта ҳажмдаги инвестициялар ҳисобидан Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи тубдан реконструкция ва модернизация қилинади.

Шўро даврида республика эҳтиёжини таъминлаш учун ҳар йили 6-7 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотларини четдан келтиришга мажбур бўлганмиз. Энди эса нефть мустақиллигига эришдик. Бунда Бухоро нефтини қайта ишлаш заводининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Вилоятда мустақиллик йилларида газ узатиш компрессор станцияси, "КНАУФ гипс – Бухоро" қўшма корхонаси, Ёғидулов темир-бетон ва Газли нефть қазиб чиқариш корхоналари барпо этилди.

Шу йилнинг ўзида Қандим ва Шимолий Шоди конларида йилга 2 миллиард 200 миллион куб метр газ қазиб олиш бўйича амалий ишлар бошланди. Бу ерда Қандим газини қайта ишлаш мажмуаси ҳам бунёд этилади. Шунингдек, 2018 йилга бориб Қумли конида компрессор станцияси қуриш, Учқир конида газдан пропан-бутан олиш, газни тозалаш асосида олтингургурт ишлаб чиқариш бўйича муҳим лойиҳалар якунига етказилди.

Жиззах вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш мақсадида "Жиззах" махсус индустриал зонаси ташкил этилди. Яқин келажакда бу ерда замонавий маиший буюмлар, тикув машиналари, Қуёш энергияси ускуналари, энергия тейайдиган лампалар, мобил телефонлар, телекоммуникация тармоқлари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу корхоналарда ким ишлайди? Касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларини битирган ёшларимиз, албатта.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган рангли металлургия асосий қисми, цементнинг 45 фоизи, маъдани йўғитларнинг 30 фоизи, электр энергиясининг 16 фоизи айнан Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келаяпти.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Навоий кон-металлургия комбинатининг иқтисодий салоҳиятини оқлаб қолди, уни эл-юрт манфаати йўлида ишлатиш осон келмади. Навоий азот заводи, цемент корхонаси, Зарафшон ва Учқудуддаги олтин, уран ишлаб чиқарадиган ва бошқа корхоналар амалда мамлакатимиз саноатининг муҳим халқалари ҳисобланади.

Наманган вилоятида илгари давлат корхонаси ва объекти бўлган 70 та корхона хусусийлаштирилганидан кейин уларнинг рентабеллиги ошди. Яқин беш йилда яна 190 корхонада давлат улушини қаматириб, уларни хусусий тадбиркорлик субъектларига бериш мўлжалланяпти.

2016 йили "Ангрен – Пол" йўналиши бўйича янги темир йўл тармоғи фойдаланишга топширилса, йилга 20 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш ва транзит ҳисобидан 140 миллион доллар маблағни тежаш имконига эга бўламиз.

Самарқанд вилоятида кейинги йилларда жаҳондаги нуфузли фирма ва компаниялар билан ҳамкорликда ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган 100 дан зиёд замонавий корхона ташкил этилди.

Самарқанд шаҳридаги "Самаво" корхонасида кейинги уч йилда модернизация ишлари олиб борилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2008 йилга нисбатан 1,5 баробар оширилди. Бу ерда мингдан ошқик киши меҳнат қилади. Ҳозирги пайтда 5 йил рўсумдаги автобус, 8 турдаги юк автомобилли, 35 хил кузов ишлаб чиқаришмоқда.

Сирдарё вилоятида мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган электр қувватининг қарийб учдан бир қисми етказиб берадиган Сирдарё иссиқлик электр станцияси ишлаб турибди. Кейинги йилларда ана шу йирик мажмуада 60 миллион доллар инвестиция ҳисобидан иккита энергия бломи модернизация қилинди ва шу тариха унинг ишлаб чиқариш қуввати оширилди. Вилоятда саноат тармоқларини диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга юқори техноло-

гияларни жорий этиш ва импорт ўрнини босадиган, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Сирдарёда "Жиззах" махсус индустриал зонасининг ҳудудий филиали ташкил этилгани бу борада янги қадам бўлди.

Сурхондарё вилоятида халқаро стандартларга жавоб берадиган 336 километрик автомобиль йўлларини барпо этиш, халқаро аҳамиятга эга бўлган "Қарши – Термиз" автомобиль йўлини реконструкция қилиш белгиланган. 2017 йилга бориб яна бир йирик лойиҳа – "Қарши – Термиз" темир йўл тармоғини электрлаштириш ниятисига етказилади. Натижада юк ташиш харажатлари ўртача 20 фоизга қамаяди, йўловчи ва юк ташиш тезлиги 1,5 баробар ошади. Бундай қулайликлар, албатта, вилоятда саноатни ривожлантириш учун ҳам жуда асқатади.

Ўзбекистонимиз саноатида Тошкент вилоятининг ҳам алоҳида ўрни ва нуфузи бор. Бугунги кунда мамлакатимиз ялли ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизи, ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 45 фоизи, пўлат ва металл прокатнинг 100 фоизи, рангли металлларнинг асосий қисми айнан шу вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Бу вилоятда ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё, қурилиш индустрияси, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича иқтисодиётимизнинг етакчиси бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга алоҳида эътибор берилляпти. Ўтган даврда вилоят бўйича биргина енгил саноат соҳасида энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган 19 та янги қувват ишга туширилди, 162 та янги корхона ташкил этилиб, 66 та корхона модернизация қилинди, шу тариха 16 мингга янги иш ўрни яратилди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия комбинати реконструкция қилинди. 40 дан зиёд турдаги маъдани йўғитлар ва бошқа турдаги кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мослашган "Максам-Чирчик" корхонаси ишлаб турибди. АКШнинг дунёда кўзга қўринган "Женерал моторс" компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, МДХ ҳудудида ноёб бўлган, автомобил дигателлари ишлаб чиқарадиган замонавий завод тараққиётимиз йўлида муҳим ўрин тутляпти. Бу корхонада институтни битирган ёш йўғитлар компьютерлаштирилган автоматик линияларда ишляпти.

Вилоятда "Ангрен" махсус индустриал зонаси ташкил этилди. Бу зонада хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда кўп-кўп лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда бу ерда енгил автомобиллар ва қишлоқ ҳўжалиги техникалари учун шиналар ва конвейер лента ишлаб чиқаришга қаратилган, қиймати қарийб 184 миллион долларга тенг бўлган йирик лойиҳани амалга ошириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб бориляпти.

Келгуси икки йилда бу вилоятда 254 та корхонада давлат улуши қаматирилиб, хусусий тадбиркорлик субъектларига берилиши кўзда тутилган.

Хоразм вилоятида сўнгги йилларда ялли ҳудудий маҳсулот 1,8 баробар, саноат маҳсулотлари ҳажми 2,3 баробар ўсди.

2010 йил ёзида Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида қалийли йўғитлар заводи ишга туширилди.

Ўтган асрда бу тоғлар бағрида силивинит минераллари захираси борлиги аниқланган. Бирок ҳеч ким уни қазиб олишни йўлга қўйишга қўл урмаган эди. Мустақиллик бунга имкон берди. Чунки бу ёқларда шундай завод қуриш учун аввал темир йўл керак эди. 33 ойла 223 километрик Тошғузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли қурилиб, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида, яъни 2007 йилнинг 24 августида фойдаланишга топширилди. 43 та кўприк, 564 сувўтказгич мослама барпо этилди. Кўприкларнинг 9 таси денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда бунёд этилди.

Темир йўл битиши билан Тепакўтон қалий туз кони асосида Деҳқонобод қалийли йўғитлар заводи қурилиши лойиҳасини тайёрлаш ва унга хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар бошланиб кетди.

Қалийли силивинит минераллари дунёда жуда кам учрайди. Бор-йўғи 14 та давлатда бор. Биз шу сағфа қўшилиқ. Тепакўтонда 215 миллион тоннадан ошадиган силивинит захираси бор. Захира жиҳатидан жаҳонда 10-ўринда турамиз.

Ҳозирги пайтда лаҳмларнинг узунлиги 120 километрдан ошди. Янги лаҳм қазмиш ишлари жадал олиб бориляпти. Яқин келажакда йилга 1 миллион 400 минг тонна руда қазиб олиш имконига эга бўламиз. Агар шунчадан руда қазиб олиниб турганда ҳам захирамиз 150 йилга етати!

Қалийли йўғитнинг бозори – жуда қаққон. Бу ўғит солинса, гектарига пахтадан 7-8, ғалладан эса 14-15 центнер кўпроқ ҳосил олиш мумкин. Беш йил мобайнида жами 862 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, шунинг 608 минг тоннаси, яъни 70 фоиздан ошмиги Хитой, Қозғистон, Грузия, Эрон, Бирлашган Араб Амириклар, Арманистон, Вьетнам, Малайзия, Озарбойжон каби мамлакатларга экспорт қилинди. Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги учун эса 204 минг тоннадан ошқик қимматли ўғит етказиб берилади.

Деҳқонобод қалийли йўғитлар заводи ҳозирги пайтда йилга 600 минг тонна қалийли ўғит тайёрлаш қувватига эга. 2016 – 2018 йилларда йилга 10 минг тоннагача янги маҳсулот, яъни қалий гидроксиди ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу хлорсиз ўғит тайёрлашда, шунингдек, фармацевтика соҳаси учун зарур маҳсулот ҳисобланади. Йилга 100 минг тонна техник туз ва оқ қалий ишлаб чиқариш режалари ҳам тузилляпти.

Тошкент шаҳрида сўнгги 7 йилда 60 миллиард 500 миллион сўм микдориде инвестиция жалб қилинди.

Юртимизда ёқилғи-энергетика ва галла мустақиллигига эришилди. Бой минерал хомашё ва қишлоқ ҳўжалиги ресурсларини тубдан қайта ишлашга асосланган замонавий технологияларни жалб этган ҳолда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашнинг кенг қўламли дастурларини изчил амалга ошириш таъминланмоқда. Энергетика, нефть ва газ қимёси, рангли металлургия, кимё ва тўқимачилик саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика ва микробиология, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тармоқлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан кўлга киритилаётгани йўқ, албатта. Мамлакатда саноатни ривожлантириш бора-борасидаги бир асосли йўлни алоҳида айтиб ўтиш керак. Бу инвестиция сибсатида мураккаб, леким тўғри йўл танлангани билан изоҳланади. Инвестициялар, авваломбор, иқтисодиётимизни тубдан ўзгартиришга, юқори технологияларга асосланган янги замонавий саноат корхоналарини барпо этишга йўналтирилди.

Ўзбекистонимиз – ер ости ва ер усти бойликлари билан улкан захирага эга. Бу эса мамлакатда саноатни ривожлантириш учун энг муҳим омил ҳисобланади. Саноатни ривожлантиришда мамлакатимизда: "Инвестиция – бу тараққиёт гарови", – деган оқилона шiorга изчил амал қилиб келиняпти.

Яқин келажакда Ўзбекистонимиз дунёнинг ривожланган индустриал давлатларидан бирига айланишига йимонимиз комил. Бунинг учун бизда барча омиллар етарли.

Олим МАХМУДОВ

Қонун ва ижро

ОИЛАВИЙ
ТАДБИРКОРЛИК
ИМКОНИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти ривожига жиддий эътибор қаратилгани ички бозорни рақобатбардор ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, давлат экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ҳамда турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

"Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун тадбиркорлик фаолиятининг қамровини бирмунча кенгайтди ва янги "Оилавий тадбиркорлик" шаклини очиб берди. Оилавий тадбиркорлик, бу — оила аъзолари томонидан таваққал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир.

Мазкур қонунда оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил қилмаган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги белгиланиб берилди. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлиқнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхона ҳисобланади. Оилавий корхона иштирокчилари — оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғилган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амама ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин.

Шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларидан бири унинг бошлиғи бўлиб, унга оилавий корхонанинг барча иштирокчилари бир овоздан иш муомаласида ўз номларидан иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган бинолар, шу жумладан, ишлаб чиқариш, ҳўжалик бинолари ва бошқа иморатлар оилавий корхона фаолиятини амалга оширадиган жойлар ҳисобланади. Оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойлардан оилавий оилавий корхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди. Бундан фаолиятнинг айрим турлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мўстасно.

Тезкишлаш жоизки, "оилавий" корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни нақд пуллик ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича реализация қилиши, маҳсулотини сотиш жараёни у ишлаб чиқарилган жойда амалга оширилиши мумкин. Оилавий корхона турар жойдан бир вақтинч ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Оилавий корхоналар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўловининг тўловчиси ҳисобланади. Уларга қичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқ имтиёзлари, преференциялар ва қарорлар таътиб этилади. Оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди. Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадийи ҳўнармандчилиги ва амалий қанъати буюмларининг сотувидан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сонли қарори билан тасдиқланган "Юридик шахс т



ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган имконият ва шарт-шароитлар туфайли тадбиркорларнинг сони ортиб, иқтисодийтириш ривожига муносиб ҳисса қўшилмоқда.

ЭКСПОРТ МИҚДОРИ ОШИРИЛАДИ

Яккасарой туманида фаолият олиб бораётган масъуляти чекланган жамият шаклидаги "ЗЕТА ТЕКС" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ҳам трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда маълум тажрибага эга корхоналардан ҳисобланади. Корхона текстил ҳамда полиграфия маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

— 2010 йилда ташкил топган корхонада 110 нафар ходим фаолият юритмоқда, — дейди корхона директори Мирзаеъма Мирзаеъмов. — Ишчи-хотимларнинг асосий қисмини коллеж битирувчилари ташкил этади. Яккасарой енгил саноат касб-хўна қўшма корхонаси билан шартнома тўзилган. Мазкур шартномага биноан ҳар йили коллеж битирувчиларини ишга қабул қиламиз. Асосан болалар кийимлари (чақалоқлардан бошлаб турли ёшдаги болалар учун мўлжалланган) ишлаб чиқарилиб, экспортга жўнатилади. 50 дан ортиқ маҳсулот турлари мажмуд. Бундан ташқари буюртмачиларнинг ҳожишига қараб, маҳсулот тури ўзгариши ҳам мумкин. Қозғоғистон, Туркияга экспортни амалга ошираётган корхона келгусида Россияга ҳам маҳсулотларни еткази

зиб беришни режалаштирган. Ички бозорда полиграфия бўлимида ишлаб чиқариладиган турли картон қўтилар, этикетларнинг сотуви йўлга қўйилган. Полиграфия бўлимида ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотларга мўлжалланган қўтиларнинг сифатли бўлишига катта эътибор қаратилади. Полиграфия цехидаги технологиялар асосан Германиядан келтирилган.

Келгусида тайёр маҳсулот бўлимини янада кенгайтириш ҳамда экспорт миқдорини янада ошириш режалаштирилган.

— Қўвонарлиси, маҳсулотларимиз ички бозорда ўз ўрнига эга, — дея сўзини давом эттирди Мирзаеъма Мирзаеъмов. — Ишчи-хотимларга қўлайлик яратиш мақсадида бинода ёзги-қишқи совутиқлар ўрнатилган. Ҳар бир ходим махсус иш кийими, бепул овқат билан таъминланади. Хотимларнинг малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилади. Ёш хотимлар "Ўзбекистон саноат" давлат акциядорлик компанияси томонидан ташкил этиладиган турли ўқув-семинарларда иштирок этиб келишади.

ЮТУҚЛАРГА БОЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ

Келажагимиз давомчилари бўлган ёшларнинг билимли ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари йўлида бошқа соҳалар қатори таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига давлатимиз раҳбари раҳнамолигида асосий эътибор қаратилмоқда.

Яккасарой туманида жойлашган 144-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари ўз ютуқлари билан ота-оналар, уларга билим бериб келаётган ўқитувчилари қўвонтириб келишмоқда. Биз мактаб директори билан суҳбатлашар эканмиз, ушбу дарғода ҳақдорларимизга муносиб ворислар етишиб чиқаётгани, ортимиз доверуғини бутун дунёга танитадиган ёшлар таълим олаётганига гувоҳ бўлдик. Янги ўқув йили олдида мактаб педагогларнинг қўли-қўлига тегмайти, улар ўқувчиларни янги-янги режалар билан қўтиб олиш ҳаракатидадилар.

— Мактабимизда янги ўқув йили олдида барча хоналар таъминланган, жиҳозланди. Инглиз тили, математика фанини чуқур ўргатадиган синфлар ташкил этилди, — дейди мазкур муассаса директори Нилуфар Хусанбоева. — Ўқувчиларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари бизларни беҳад қўвонтиради. Улар ўтган ўқув йилида "Билимлар беллашуви" мусобақаларининг туман босқичида 9 та совринли ўринни эгаллашди. Мактабда футбол, юнор-рум кураши, баскетбол, стол тенниси, бадий гимнастика, хореография ва бошқа тўғрақлар фаолият юритилмоқда. Ўқувчиларимизнинг спорт билан шугулланишлари учун катта ва кичик стадионлар шайланган. Туманимизда жойлашган 31-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, "Баркамол авалод" болалар маркази билан ҳамкорликда ишлар йўлга қўйилган. Икитидори болаларни турли олимпиада ва танловларга тайёрлаш учун алоҳида шугулланилади. Шу билан бирга фанларни ўзлаштиришда қийнаётган ўқувчиларга ҳам эътибор қаратилади.

Устоз ва мураббийларнинг қўлга киритаётган ютуқлари ҳам талайгина эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бошланғич таълим ўқитувчиси Машрабхон Умарова 2011 йилда "Йил ўқитувчиси" танловининг республика босқичида 1-ўринни эгаллади. Шу билан бирга "Шўхрат" медали билан тақдирланган. Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган "Йилнинг энг яхши мактаб директори" кўрик-танловининг республика босқичида мактаб раҳбари ғолиб чиқди.

Ўқувчилар ва ўқитувчилар учун махсус форма жорий қилинган. Ўтган ўқув йилидан ота-оналарга фарзандларининг мактабга келиб-кейтиши ва боҳолар ҳақидаги SMS-хабар йўлланчилиши йўлга қўйилган. Мактабда ўқувчиларнинг ҳафсизлигини таъминлаш мақсадида 8 та кузатув камераси ўрнатилган бўлиб, видеокузатув амалга оширилади. Янги ўқув йили учун барча синф хоналари тахт қилинган. Ўқув китоблари ҳам олинди.

эса кўйроқ ясайдиган ҳунарманд Равшан ака Ўринбоевдан мазкур ҳунари эгаллашмоқда. Ўз қўллари билан ясаган ишларини турли кўргазмаларда намойиш этишади.

Ҳафтинг ҳар пайшанба кунлари "Ораста ёшлар" тўғраги иштирокида турли мавзуларда семинарлар ўтказиб келинмоқда. Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишланган байрам тадбирига ҳам уларнинг бадий чиқишларини намойиш этиш кўзда тутилган.

Маҳаллада мусикашунос Юнус Ражабий уй музейи фаолият кўрсатапти. Бундан ташқари маҳалла ҳудудида Амалий санъат музейи жойлашган бўлиб, шахримиз аҳолиси ва меҳмонларини жонхон Ўзбекистон тарихи ва маданияти билан таништириб келмоқда.

— Маҳалламиз ёшларининг маънан соғлом ўсишлари йўлида турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратиб келинади, — дейди маҳалла раҳбари Муавзам Хасанова. — Пирӯ бадавлат, ҳаётий таърибага эга кексаларимиз билан ёшлар ўртасида "Оила — жамиятимизнинг муҳим бўғини", "Маънавият оиладан бошланади", "Оила — маънавият қўргони", "Маҳалламиз тинчлиги ва фойзи учун масъулимиз" ва бошқа мавзулардаги ўқув-шуғуллар уюштирилмоқда. Турли мавзулардаги ўқув-шуғуллар билан бирга ҳудудимиздаги музейларга таърифлар уюштирилади. Маҳаллада олиб борилаётган ишларнинг самара беришида хотин-қизлар комиссияси раиси Саида Йўлдошева, маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия раиси Ойпоша Джамилова ва бошқа комиссия аъзоларининг ҳиссалари катта. Комиссия раислари ҳаётий таърибага эга инсонлар ҳисобланади. Қўвонарлиси, оилаларимиз тотувлиқда яшамоқда, биронта ҳам ажрим бўлгани йўқ.

гуруҳлар керакли тавсияларни бериб, мулоҳазаларни амалга оширишмоқда. Жорий йилда туман ҳудудий тиббиёт бirlашмасида катта ўзгаришлар, ижобий ишлар амалга оширилди. Муассасамиз замонавий тиббиёт асбоб-анжом, апаратуралари билан таъминланди. Ўтган йили муассасада бош шифокоримизнинг ташаббуси билан она ва бола бўлими таъмирдан чиқарилиб, барча мутахассислар бир жойга жамланди. Ҳам она, ҳам бола тиббий кўрикдан ўттиш имконига эгадирлар. Бундан ташқари "Она ва бола" хоналарида турли мавзуларда ўқув-шуғуллар ўтказиб борилади.

Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида аниқланган касалликларни ўз вақтида даволаш имкони яратилмоқда. Буларнинг бари аҳоли саломатлигини тиклаш йўлида қилинаётган ишлар эканлигини таъкидлаш жоиз.

Тиббиёт

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ТИКЛАНМОҚДА

Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яккасарой тумани тиббиёт бirlашмаси тарихида 13 та даволаш-профилактика муассасаси бўлиб, оқ либосли шифокорлар туман аҳолисининг саломатлигини яхшилаш йўлида хизмат қилмоқда. Тиббиёт бirlашмаси асосан тумандаги оилавий поликлиникалар ва бошқа тиббий муассасаларнинг даволаш-профилактика фаолиятини ташкил этишга қўмқлашади.

— "Кексаларни ёзозлаш йили" Давлат дастури доирасида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда, — дейди Яккасарой тумани тиббиёт бirlашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасининг стационар қисми

билан поликлиника бош шифокор ўринбосари Комила Мусаева. — "Ҳеч қим меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида қарияларимизни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари олиб борилади. Ҳозирги кунга тумандаги 13761 нафар қарияларимиз чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Бирон бир касаллиги аниқланган нуронийларимиз шифохона, санаторий-профилакторийлар тавсия этилган муолажаларни олиш, даволашнига юборилди. Мазкур тиббий кўрикларга кела олмайдиган қарияларимизнинг уйларига бориб, юқори малакали мутахассислардан иборат махсус

Тумандаги 18 та маҳаллада кенг миқёсда ободончилик, бунёдкорлик ишларини давом эттириш билан бир қаторда Энг улуг, энг азиз байрамимизга бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Биз таъриф буюрган Юнус Ражабий номли маҳалла фаоллари ҳам байрам арафасида бирозликда ҳаракат қилишгаётганининг гувоҳи бўлдик. Улар ўз маҳаллаларининг янада чирой очилиши учун бор қўл-ғайратларини сарфлашмоқда. Ушбу маҳаллада санъатимиз дарғаси Юнус Ражабий кўп йиллар давомида ишда қилиб, дарғаси, шу сабабли келажақ авлодга номини қолдириш мақсадида 1980 йилда маҳаллага Юнус Ражабий номи берилган. Қўвонарлиси, туман, шаҳар, республика миқёсида ўтказилган барча маънавий-маърифий, спорт тириш, турли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб келаётган маҳалла тумандаги энг намунали маҳалла фуқаролар йиғинига айланган. Жорий йилда ўтказилган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловининг туман босқичида биринчи ўринни эгаллаб, шаҳар босқичида фаол иштирок этиб, "Аҳоли бандлигини таъминлашда самарали фаолият кўрсатган фуқаролар йиғини" номинациясида ғолибликни қўлга киритди.

Маҳалла 120 гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. 6013 нафар кўп миллатли аҳоли товулиқда, бир-бирининг урф-одатларини ҳурмат қилган ҳолда яшаб келмоқда.

— Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги байрамига катта тайёргарлик қўрилмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бозорбой Ёшанов. — Ҳудуддаги кўп қаватли уйлар олди, ариқ, лотоклар тозаланмоқда, бир сўз билан айтганда ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари юртимизнинг барча байрамлари аҳоли билан ҳамжihatлиқда кўтаринки руҳда

ўтказилади. Байрам дастурхонлари ёзилиб, ёш қари тинчлик-осойишталик ҳўм сураётган юртимизга кўз тегмасин, дея дуога қўл очади. Аҳоли, айниқса касб-хўна қўшма корхона битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида ёшларимиз маҳалла ҳудудидаги корхоналарга ишга жойлаштирилмоқда. Ҳозирги кунда мақсадимиз маҳалламизни кўтлуг байрамимиз арафасида яна ҳам фойзли, обод ва кўркам гўшага айлантириш, маҳалла осойишталигини, аҳоли фаровонлигини таъминлашдан иборат.

Маҳаллада болалар спортига катта аҳамият берилиши

Маҳалла

МЕҲР-ОҚИБАТ ҚЎРҒОНИ

натижасида кўплаб ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жумладан, маҳалланинг ёш футболчилари "Футболимиз келажаги" мусобақасининг туман босқичида биринчи ўринни эгаллашди. "Маҳалламиз паҳлавонлари" мусобақасининг туман босқичида эса иккинчи ўринга лойиқ топилди.

Йигит-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун 12 нафар ёшлар "Ўзбекистон Республикаси ҳалқ устаси" Фасихиддин ака Дадамўхамедовдан заргарлик сирларини ўрганиб келишмоқда. 18 нафар ёшлар

ИЖОДКОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Мустақиллигимизнинг қўтлуг йигирма тўрт йиллиги байрами арафасида мамлакатимизда турли танловлар, кўриклар, фестиваллар бўлиб ўтмоқда.

Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони!" шиори остида ташкил этилган анъанавий "Энг улуг, энг азиз" танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, бу йил танловнинг шаҳар босқичига ижодкорларнинг турли жанрлардаги ишлари тақдим этилган бўлиб, уларда мустақиллик йилларида республикамизда, жумладан, асим пойтахтимизда барча соҳаларда эришилган улкан ютуқлар, ислохотларнинг самараси, амалга оширилаётган кенг қўламдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ўз аксини топган.

Номзодларнинг ижодий ишлари ўрганиб чиқилиб, Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари бўйича "Тошкент" телерадиоканали ДУК "Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий дастурлари" бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари Махбуба Ботирбекова, босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари бўйича шаҳар ИИББ "Огоҳ" газетаси тахририятининг етакчи мутахассиси Сафар Собиров, тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари бўйича Ўзбекистон Бадий ижодкорлари уюшмаси аъзоси, миниатюрчи расом Бейхон Хаджи-метовлар ғолиб деб топилди.

Уларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧК бошланғич нарх босқичи-масвоч ошиб бориши тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Аукцион савдоларига қўйидаги давлат активлари тасвдоран қўйилади:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидида, Тошкент шаҳар, М.Улугбек тумани, Гўлсанам кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган бино қисми.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий майдони — 396 кв.м.

Бошланғич нархи — 358 903 568,56 сўм.

Балансда сакловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧК, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт: www.1kms.uz; электрон почта: rieltasvdo@inbox.uz. Лицензия: РН 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 14 сентябрь кунни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу кунни бўлиб ўтмаган тақдирда, такорорий савдолар 2015 йил 28 сентябрь, 13, 27 октябрь, 10 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотида шартномаси тузилади.

Талабдорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧКнинг қўйидаги банк рекевизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Илак йўли" Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган кунни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисида талабдор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат тўғрисидаги таъкидланган тўғрисидаги гувоҳномадан рўхсат, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltasvdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkfortg.uz.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонида зўдлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

